

Jakhongir A. TOHIROV,
Senior lecturer of the International
Islamic Academy of Uzbekistan, PhD.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: jahontoh@mail.ru

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-3/3

**“СИФАТЛАР” БОРАСИДАГИ
БАҲСЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**HISTORICAL ASPECTS OF DISPUTES
ON “ATTRIBUTES” OF ALLAH**

**ИСТОРИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СПОРОВ
ОБ “АТРИБУТАХ” АЛЛАХА**

КИРИШ

Аҳли сунна (мотуридия, ашъария) билан салафийлар (мужассима, хашвия) Аллоҳнинг сифатлари масаласида бир жиҳатдан (лафзда) иттифоқ, иккинчи жиҳатдан (маънода) хилоф. Яъни, ислом манбалари – Қуръон ва суннатда Аллоҳга нисбат берилган сўзларнинг лафзлари собитлигини тасдиқлаш ва инкор этмасликда ҳамда кайфиятига киришмасликда, барча комил сифатлари ўзига лойиқ эканида иттифоқ. Аммо, калиманинг маъносида ҳақиқий (зоҳирий) ва мажозий (кўчма) мазмун борлигида ўзига хос қарашлар мавжуд. Масалан, “яд” араб калимаси Қуръон ва суннатда собит бўлиб, ҳеч бир томон унинг лафзини (маъносини) инкор этмайди. Унинг ҳақиқий (зоҳирий) “қўл аъзоси” маъносида талқин этилса, Аллоҳга жисм, бўлак, аъзо нисбат берилган бўлади, гарчи унинг қандайлиги (кайфияти) ҳар қанча “ўзига лойиқ”, дейилса ҳам тажсим хавфи содир бўлади. Мажозий (кўчма) маъноси эса, “қўллаб-қувватлаш” мазмунига эга бўлиб, бунда ҳеч бир муаммо йўқ, сифатни инкор этиш ҳам йўқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Айрим салафий – зоҳирий (сатҳий) жамоалар шуни англашмайти ва сифатларни инкор этишда мотуридия ақида мактабини айбламоқдалар, қарашлари ва усулларини нотўғри талқин қилмоқдалар. Абу Ҳанифа ўзининг “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида айтади: “Аллоҳ Қуръонда зикр қилган “яд”, “важҳ”, “нафс” унга кайфиятсиз

сифатлардир. Форсча “дасти худо”, деб таржима қилиш ҳам мумкин эмас” (Абу Ҳанифа, 2021:52). Демак, у Аллоҳнинг “қўли” ва “юзи” каби аъзолари бор, демаган. Мотуридий эса, уларнинг кўчма-мажозий маъноларга ҳам эга эканини таъкидлаган (Абу Мансур Мотуридий, 2005). Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асаридаги ақидавий қарашлари шунга мувофиқдир.

Асарнинг “Илоҳиёт” қисмида ақидавий масалалар таҳлил қилинади. Жумладан, Аллоҳнинг сифатлари жами 33 тага умумлаштирилиб, тасниф қилинган. Улардан 8 таси зотий (маънавий): қудрат, илм, ҳаёт, ирода, эшитиш, кўриш, калом, боқий; 15 таси инкорий (салбий, манфий): шериги йўқ, ўхшаши йўқ, таркиб топмаган, зидди йўқ, ичига кирмайди, кўчиб ўтмайди, Унга кўчиб ўтилмайди, қўшилмайди, томони йўқ, муҳтож эмас, оғримайди, лаззатланмайди, маъно ва ҳол ҳамда зиёда сифатлари йўқ; 10 таси бошқа сифатлар: сахий, подшоҳ, комил, олий, ҳақ, хайрли, ҳикматли, жаббор, қаҳҳор, коим.

Тусийнинг матнига кўра “аммо яд, важҳ, қадам, раҳмат, карам, ризо ва таквин – юқорида келтирилган сифатларга қайтади (таъвил қилинади)”. Бунга Али Қушчи қуйидагича шарҳ берган: “яъни яд – қудрат, важҳ – вужуд, қадам – бақодир. Аммо, раҳмат, карам, ризо сифатлари эса, ҳар бири хос иродадир. Таквин эса, қудрат ва иродадан бошқа нарса эмасдир”. Абулхасан Ашъарийга кўра “яд – қудратдан бошқа сифат, важҳ вужуддан бошқа сифатдир”. Абдуллоҳ ибн Саид ибн Куллоб фикрича, “қадам бақодан бошқа сифат, раҳмат, карам ва ризо эса, иродадан бошқа сифатлардир”. Ҳанафийларда¹ “таквин – машхур 7 сифатга зиёда азалий сифатдир”.

Феъллари: яхшилиқ ва ёмонлик, бандалар ишлари, тавлид², қазо ва қадар, ҳидоят ва залолат, мукаллаф (шаръий мажбуриятга эга) бўлмагани

¹ “Яд – қудрат, деб таъвил қилинмайди, акс ҳолда сифат инкор қилинган бўлади”. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа. Ал-Фикҳ ал-акбар (Тадқиқот, матн, илмий изоҳлар) / Таржимон, нашрга тайёрловчи: Ҳамидуллоҳ Аминов. – Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. – Б.55.

² “Тавлид” – мўътазилийларнинг ботил ақидаларидан бири. Унга кўра, Аллоҳ таоло борлиқдаги асосий модда ва унсурларни яратган. Уларни бир-бири билан таркиб топтириб, яхши ёки ёмон нарсаларни яратишни инсоннинг ўзи амалга оширади. Масалан, Аллоҳ таоло узум ва сувни яратган, унга ишлов бериб, хамр қилиш эса инсоннинг яратиши билан бўлади. Аллоҳ узумни, яъни яхшилиқни, инсон эса ёмонликни, яъни хамрни яратди, дейдилар. Алоуддин Бухорий (ваф. 841/1437). Мулжима ал-мужассима. Саид Абдуллатиф Фуа. – Байрут: Дор аз-захоин, 2013. – Б.37. (Бундан кейин Алоуддин Бухорий. Мулжима.)

Аннотация. Ушбу мақолада Аллоҳнинг сифатлари уларнинг турлари, хусусан Аллоҳнинг муташибеҳ кайфиятсиз сифатлари ва уларнинг таснифланиши борасида "мутақаддим" ва "мутааххир" уламоларнинг фикрлари ҳамда мотуридий ва ашъарий мактабларининг қаршалари ва улар орасидаги тафовутлар борасида сўз боради.

Шунингдек мужассималар, мўтазилалар каби бир қанча адашган фирқаларнинг қарашларига Аҳли сунна уламолари томонидан билдирилган кескин раддиялар ёритилган.

Мотурдийлар ва ашъарийлардан иборат аҳли сунна олимлари Аллоҳнинг сифатлари борасида "У зотга ўхшаши ҳеч нарса йўқдир" оятини асос қилиб олганлар. Унга нолойиқ бўлган сифатлардан поклаганлар (танзих), Аҳли суннанинг таъвилга мурожаат қилишларига эса, умматнинг "куфр", "илҳод" ва "тажсим" каби иллатларга тушиб қолиши хавфи туртки бўлган. Зеро, Аллоҳни яратикларга ўхшатиши, унга аъзоларни нисбат бериши барча даврларда айрим фирқаларнинг қуроли бўлиб келган. Зотан, улар ўз фитналарида исломга янги кирган ажам халқларнинг аввалги эътиқодларидан қолиб кетган ҳақидаги тасаввурлардан усталик билан фойдаланганлар.

Калим сўзлар: салафий, тавлид, вожиб, тафвиз, куфр, "ал-Фикҳ ал-акбар", "Китоб ат-Тавҳид".

Abstract. This article covers the opinions of "mutaqaddim" and "mutaakhkhir" scholars regarding the attributes of Allah, their types, especially the mutashabih attributes of Allah, and their classification. The views of the Maturidi and Ash'ari schools in this regard and the differences between them are discussed.

In response to the views of several misguided sects such as Mujassima and Mu'tazilites, the sharp refutations expressed by the scholars of Ahl al-Sunnah are also highlighted.

Scholars of the Ahl al-Sunnah, consisting of the Maturidis and the Ash'aris, took as a basis the verse "There is nothing like Him" regarding the attributes of Allah. Ahl al-Sunnah applied to ta'wil because of the danger of the ummah falling into vices such as "kufr", "ilhadd", and "tajsim". After all, comparing Allah to His creatures and attributing body parts to Him had been a weapon of some sects in all ages. Indeed, in their conspiracy, they masterfully used the imaginations of the people who had just entered Islam, left over from their previous beliefs.

Keywords: mutashabih, attributes, kufr, ilhad, tajsim, tanzih, maturidi, ash'ari

Аннотация. В данной статье говорится об атрибутах Аллаха, их видах, в частности, о муташибеих атрибутах и о мыслях ученых "мутакаддим" и "мутааххир" в толкованиях подобных атрибутов, а также о противопоставленности школ матуридий и ашъарий и различиях между ними.

Также выделены взгляды нескольких заблуждающихся сект, таких как мужассима и мутазилиты, высказанные учеными Ахл ал-Сунны.

Ученые Ахл ас-Сунна, состоящие из мотурдитов и ашъаритов, взяли за основу аят "Нет ничего подобного Ему" относительно атрибутов Бога. Те, кто очистил себя от недостойных качеств (танзих), обратились к та'вилю Ахл ас-Сунна из-за опасности впадения уммы в такие пороки, как "куфр", "ильхад" и "таджсим". Потому что сравнение Бога с тварями и приписывание ему членов во все времена было оружием некоторых сект. Ведь в своем заговоре они умело использовали заблуждения новообращённых в ислам людей, оставшиеся от их прежних убеждений.

Ключевые слова: салафи, тавлид, ваджиб, тафвиз, куфр, "ал-Фикх ал-акбар", "Китаб ат-Тавҳид"

азобламаслик, таклиф, лутф, алам, ажал, ризк, аслах, эваз ва нарҳни (белгилаш) (Али Қушчи, 1884:348–390).

МУҲОКАМА

Асарда Аллоҳнинг сифатлари ва феъллари 33 тага таснифланган бўлса, "ал-Фикҳ ал-акбар", "Китоб ал-Тавҳид" ва "Бадъ ал-амолий" каби асарларда эса, зотий ва феълий сифатлар тарзида таснифланган, айрим мисоллар билан кифояланиб, жами сони келтирилмаган. Кейинги (мутааххир) ашъарий мутакаллимлар, жумладан, Аҳмад ибн Муҳаммад Адавий Дардир (ваф. 1201/1787) "ал-Харида ал-бахия"

асарида Аллоҳнинг сифатларини жами 20 тага умумлаштириб, 4 гуруҳга тасниф қилган: нафсий (1 та), салбий³ (5 та), маоний (7 та), маънавий⁴ (7 та). Мазкур 7 та маънавий сифат мавжудотга таъсир этишига кўра, яна 4 қисмга (Аҳмад бин Муҳаммад Адавий Дардир, 2009:48–60) таксимланган:

1) Аллоҳнинг "илм" сифати барча "вожиб, мумкин ва имкони йўқ" нарсаларнинг ҳақиқатини уларга таъсир кўрсатмаган ҳолда кашф қилади. "Калом" сифати эса, уларга далолат, баён, буйрук ёки таъқиқ юзасидан тааллуқли бўлади.

³"Тажрид" да "инкорий" (15 та), деб номланган.

⁴"Тажрид" да ва юқоридаги классик ақидавий асарларда "зотий" (8 та), деб номланган.

2) Фақат “мумкин” нарсаларга алоқадор бўлган “қудрат” ва “ирода” сифатлари⁵ бор ёки йўқ қилиш жиҳатидан нарсаларга таъсир ўтказди. “вожиб” ни йўқ қилиш ва “имкони йўқ” нарсани эса, бор қилишнинг иложи йўқ. Акс ҳолда, “вожиб вожиб бўла олмас, имкони йўқ имкони йўқ бўла олмас эди.

3) Фақат мавжудотга алоқадор бўлган “эшитиш” ва “кўриш” сифатлари билан фақат мавжуд нарсалар эшитилади ва кўрилади. Мавжуд бўлмаган нарсалар эшитилмайди ҳам, кўрилмайди ҳам.

4) Ҳеч нарсага алоқадор бўлмаган “ҳаёт” сифати. Махлуқотнинг ҳаёти замон ва макон бўлишини тақозо этади. Замон ва маконни яратган ва идора қилувчи Аллоҳнинг ҳаёт сифати, замон ва маконга боғлиқ эмас.

Салафия тоифаси “Мотуридия исбот доирасини тор олди, (Аллоҳга фақат) 8 та сифатни исбот (тасдиқ) қилиш билан ном чиқардилар”, деб даъво қилади (Муҳаммад ибн Абдурахмон Хумаййис, нашр йили кўрсатилмаган:6).

Аслида эса, аҳли сунна вал-жамоа (мотуридия-ашъария) наздида Аллоҳ сифатларининг саноғи йўқ, чегараси йўқ. Саҳиҳ ҳадисда зикр қилинган 99 та исм-сифатлар ҳаммаси эмас. Чунки, булардан бошқа кўплаб сифатлар Қуръонда келтирилган (масалан, Аҳад). Аммо, 8 та сифатни (илм, ирода, эшитиш, кўриш, қудрат, ҳаёт, калом, таквин) бошқа сифатлардан ажратиб кўрсатилади. Барча сифатлар мана шу 8 сифатнинг таркибига киради. Улар ақл жиҳатидан ҳам қониқарли ва бўлиши шарт бўлган сифатлардир. Ҳеч бири инкор этилмайди. Бироқ, мазкур 8 сифатни инкор қилиш Аҳли суннада куфр ҳисобланади (Камолитдин Баъзий, 2007:107–114). Чунки, булар авом мусулмон Аллоҳни таниши учун билиши ва имон келтириши зарур бўлган энг минимал талаб.

Шунингдек, Аллоҳнинг зоти, исми, сифати ва феъллари ўзаро далолат қилиши ва бири-бирдан келиб чиқишига кўра фарқланади. Исм – зотга ва сифатга, сифат – фақат зотга далолат қилади. Зот – сифат орқали тасаввур қилинади. Сифат – исмдан ва феълдан келиб чиқади (қадара ⇒ Қодир ⇒ қудрат ⇒ Қудратли Зот) (Ибн Абдулқодир Саққоф, йили кўрсатилмаган:10).

Лекин, ҳар қандай феълдан ҳар доим ҳам Аллоҳга исм ва сифат келиб чиқавермайди (насия ⇒ носий, нисён; мақара ⇒ моқир, мақр;

⁵ Мотуридияга кўра “таквин” сифати ҳам шулар жумласидандир.

мариза ⇒ мариз, мараз). Қуръонда “унутиш, мақр қилиш”, саҳиҳ ҳадиси қудсийда эса, “касал бўлиш” феъллари Аллоҳга нисбат берилган. Буни “тафвиз” ёки “таъвил” қилмасликнинг умуман иложи йўқ. Акс ҳолда “тажсим” (Худого жисмлик нисбатини бериш) хавфи пайдо бўлади.

Шунингдек, ҳар қандай икки исмнинг изофа шаклида бирикишидан ҳар доим ҳам сифат ёки аъзолик нисбати келиб чиқавермайди (ядуллох, важҳуллох, байтуллох ⇒ аъзо: зул-яд, зул-важҳ, зул-байт).

Яъни, Аллоҳнинг “уйи” ёки “бандаси” ибораларидан унинг “мулки” ва “махлуқи” тушунилгани каби “яд” ва “важҳ”ни Аллоҳнинг “кўли” ва “юзи” каби аъзолари бор, деб талқин этилмайди. Аслида, “уйи” ёки “бандаси” сўзларида муаммо йўқ. Чунки, уларнинг маъноси равшан (муҳкам). Аммо, “яд” ва “важҳ” маъноси норавшан (муташобех) бўлгани сабабли мужассима ва ҳашвия каби фирқалар Худого жисмлик нисбатини беришган.

Яна, улар кўпинча нақл қиладиган Ибн Таймиянинг (ваф. 728/1328 й.) “ал-Ақида ал-восития” матнида, ҳатто, “фис-само” (Аллоҳ осмонда) сўзлари янглиш қўшилган, мункар (Бухорий ва Насоий наздида) ва жуда заиф (Заҳабий наздида) ҳадислар ҳам келтирилгани аниқланган (тахриж) (Ибн Таймия, 2012:109).

Бугун салафия тоифаси Аллоҳни осмон ичида жойлашган (фис-само), деб унга тараф нисбатини бериши Ибн Таймия қарашлари таъсиридан дидир. Чунки, “Аллоҳни бошқа жисмларга ўхшамаган, ўзига хос жисм, дейишнинг зарари йўқ”, деган Ибн Таймияни Алоуддин Бухорий танқид қилиб айтадики: “Аллоҳ таолони жисм дейиш У Зотга макон ва томон исбот этишни тақозо қилмайди, деган гап масҳарабозликдан бошқа нарса эмас” (Алоуддин Бухорий, йили кўрсатилмаган).

Шундай экан, Аллоҳ таолони Аршда, деб айтиш Унга жисмликни, бўшлиқни эгаллаш маъносига мақонни ҳамда тепа томонни нисбат беришга олиб келади. Чунки, жисм бўшлиқни эгаллайди ва томонга эга бўлади. Шу боис, Аллоҳ таолони жисм, деган киши ижмога кўра кофир бўлади. Икки Ҳарам имоми⁶ ўзининг “ал-Иршод” китобида: “Аллоҳ таолога томонни исбот этиш очиқ куфрдир”, деб таъкидлаган (Алоуддин Бухорий, йили кўрсатилмаган).

⁶ Абдулмалик ибн Абдуллох ибн Юсуф Жувайний (419-478/1028-1085).

Сўзларнинг зоҳири билан кифояланиб, унинг тафсилоти таҳлилига киришмай, “тафвиз” қилаётганлар маломат қилинмайди. Аммо, яқин маънолар билан илмий тарзда изоҳлаш – “таъвил” қилиш ҳам маломат қилинмайди. Шарт шуки, зоҳирини инкор этмай, тасдиқлаб, зидламаган ҳолда, муайян шартлар ва усул қоидалари асосида бўлиши зарур. Бу ҳолат кўпчилик олимларда, ҳатто саҳоба ва тобеинларда ҳам кўплаб топилган.

Салафийларнинг даъвосича, оят ва ҳадисда келган муташобеҳ сифатларни тафвиз ва таъвил қилмай, зоҳирий маъносини исбот қилиш, кайфиятига киришмаслик, “қандай”, деган саволга “ўзига лойик”, деб жавоб бериш керак.

Ислом тарихининг илк даврида бундай саволларга тафсилотсиз ва қисқа жавоб билан кифояланилган бўлса, кейинги даврда эса, бунга коникмай, баҳсга киришганлар ичида мусулмонлар ҳам, бошқалар ҳам бор эди. Ислом ақидасини батафсил илмий-таҳлилий изоҳлаш зарурати бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Юзаки талқин қилаётганлар ислом таълимотини замонавий фандаги илмий қарашларга гўё зид экан, деган тасаввурларни ўйғотмоқда. Масалан, кечанинг 1/3 қисми “минтақавий вақт” га кўра, ер юзида тўлиқ 24 соат давом этади. Аллоҳ қайси вақтда нузул қилади? Яна, улар даъвосича, “Аллоҳ (зоти билан, ўзига лойик, ҳақиқатан, том маънода) Аршга кўтарилган, осмонда ўтиради, дунё осмонига тушади, киёматда булутда келади, кулади, (ҳақиқий) қўл(лар)и, болдири, юзи бор...”, деб оятлар⁷ ва ҳадислар зоҳирий талқин этилса, “Аллоҳ (зоти билан, ўзига лойик) унутиши, касал бўлиши” каби муташобеҳ сифатларни ё тафвиз, ё таъвил қилмай изоҳланса, тажсим (антропоморфизм) юзага келади.

Бу борада Ибн Абдулқодир Сакқофнинг таъкидлашича, “Аллоҳнинг исми ва сифатлари паноҳ сўраш ва қасамда тенг қўлланилади. Лекин Унга қулликни ифодалаш ва дуо қилишда фарқланади: Аллоҳнинг исмларини айтиб, Унга қуллик маъноси ифода қилинаверади. Лекин, Унинг сифатлари айтилиб, қуллик изҳор қилинмайди. Аллоҳга Унинг исмларини айтиб дуо қилинади “эй, Раҳим” каби. Лекин, Унинг сифатларини айтиб, дуо қилинмайди “эй, Раҳмат” каби. Чунки, сифат сифатланмишнинг айни ўзи бўлмайди. “Раҳмат” Аллоҳнинг айни ўзи эмас, балки Унинг сифатидир. Бандаликни

изҳор қилиш ва дуо қилиш эса, фақатгина Унинг ўзига бўлади, ундан бошқага жоиз эмас” (Ибн Абдулқодир Сакқоф, йили кўрсатилмаган:10).

Демак, “эй, унутувчи, касал бўлувчи, ўнг қўллари ва юзи бор, макр қилувчи Зот”, деб дуо қилинмайди ҳам, шу сифатларга эга Зотнинг бандаси, деб эътиқод қилиш ҳам дуруст бўлмайди. Чунки, буларни таъвилсиз зоҳирий талқин қилиб, айнан Аллоҳнинг сифати, деб нисбат бериш лойик эмас.

Абу Мансур Мотуридий айтади: “Аллоҳнинг сифатлари (айнан) ўзи ҳам эмас, ўзидан бошқа ҳам эмас” (Абу Мансур Мотуридий, йили кўрсатилмаган:2).

Матнларни айнан сатҳий тушуниш ва талқин этишни даъво қилувчи, тафвиз ва таъвилни инкор этувчилар муаммога дуч келади. Унутиш (нисён) бир неча Қуръон оятларида Аллоҳга нисбат берилган. Масалан, “...Раббим унутмайди”⁸, “...у (мунофик)лар Аллоҳни унутишди, У (Аллоҳ) ҳам у (мунофик)ларни унутди”⁹. Гарчи унутиш зикр қилинган бўлса-да, буни Аллоҳга нисбатан айнан тушуниш, салафийлар каби “Аллоҳ ўзига лойик унутади”, дейиш мумкин эмас. Бунинг ягона ечими – муносиб таъвилдир. Муфасссир саҳоба Ибн Аббос (р.а.) ушбу “унутиш” (нисён) ни “тарк қилиш” (азобда қолдириш), деб таъвил қилган (Ибн Жарир Табарий, йили кўрсатилмаган:201). Салафлардан бунга ўхшаш таъвилларни салафийлар “бу таъвил эмас, жамлаш, бу жоиз”, дейишади. Аслида бу ҳам таъвил. Юқоридаги ва қуйидаги оятларни жамлаб тушуниш мумкин. “Аллоҳни унутганларга ўхшаган бўлмаг, (Аллоҳ уларга) ўзларини унуттирди.”¹⁰.

Мотуридийлар ва ашъарийлардан иборат аҳли сунна олимлари Аллоҳнинг сифатлари борасида “У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир”¹¹ оятини асос қилиб олганлар. Унга нолайик бўлган сифатлардан поклаганлар (танзих), Аҳли суннанинг таъвилга мурожаат қилишларига эса, умматнинг куфр, илҳод ва тажсим каби иллатларга тушиб қолиш хавфи туртки бўлган. Зеро, Аллоҳни яратикқа ўхшатиш, унга аъзоларни нисбат бериш барча даврларда айрим фирқаларнинг қуроли бўлиб келган. Зотан, улар ўз фитналарида исломга янги кирган ажам халқларнинг аввалги эътиқодларидан қолиб кетган “жисмга эга илоҳ” ҳақидаги тасаввурларидан усталик билан фойдаланганлар.

⁷ Тоҳо сураси, 5-оят; Фажр сураси-оят, 22; Фатҳ сураси-оят, 10; Моида сураси-оят, 64; Зориёт сураси-оят, 47; Қалам сураси, 42-оят; Бақара сураси, 115-, 272-оятлар; Раҳмон сураси-оят, 27; Қасас сураси, 88-оят.

⁸ Тоҳо сураси, 52-оят.

⁹ Тавба сураси, 67-оят.

¹⁰ Ҳашр сураси, 19-оят.

¹¹ Шуро сураси, 11-оят.

Салафийлар “тафвиз” сўзини мутлак жаҳолат деб тушунтирмакда: “Тафвиз Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида келган муташобеҳ оят ва ҳадисларнинг маъно ва кайфиятига мутлақо киришмасдан, инкор қилиб, ташлаб ўтиб кетиш”, дея нотўғри таърифлайдилар.

Аҳли суннанинг мотуридия ақидавий мактабига кўра, Аллоҳнинг саккизта зотий сифати – илм, кудрат, ҳаёт, ирода, эшитиш, кўриш, калом ва таквин кабиларнинг маъноси муҳкам (равшан) бўлгани ҳамда Қуръонда очик (сарих) лафзлар билан келгани сабабли уларни тушунишда тажсим ва ташбеҳ (жисмга ўхшатиш) эҳтимоли хавфи бўлмаган. Шунингдек, “яд”, “важҳ”, “нузул”, “истиво” каби Аллоҳга изофа қилинган хабарий (иродавий) сифатлари эса, муташобеҳ (норавшан) бўлгани боис тажсим ва ташбеҳ хатарига тушган мужассима, мушаббиха, ҳашавия каби фирқалар тарихда юзага келган. Мўътазила, жаҳмия, карромия ва муаттила каби фирқалар эса айрим сифатларни бутунлай инкор қилган ёки ботил талқин қилган. Асл муаммо – сифатларни тасдиқлаш (тасбит), тафвиз ва таъвил усулларини ноўрин ҳамда нотўғри қўллашдадир.

Сифатларни тасдиқлашда аҳли сунна олимлари иттифоқдирлар. Лекин, “Унинг маъносини фақат Аллоҳ билади”¹² оятининг икки хил вақф (тўхташ) билан ўқиш ва тушунишга кўра, икки услубни тафвиз ва таъвилни қўллашда турличалик юзага келган.

Мужассима ва ҳашавия қарашларидан таъсирланганлар эса, бугунги кунда сифатларни тасбит қилмасликда (инкор қилишда) ҳамда тафвиз ва таъвил қилишда мотуридия ва ашъарияни айбламоқдалар. Бу билан, минг йиллардан бери ва ҳозирда ҳам бардавом аксар мусулмонларнинг (90%, қолган 10% шиа ва бошқалар) ақидавий мактаби – мотуридия ва ашъарияни аҳли суннага хилоф бўлган икки фирқа дея даъво қилмоқдалар (Ибн Абдурахмон Хумаййис, Усмон Хамис, Юсуф Даврон).

Салафи солиҳ ва кейинги халаф уламолар умматни мужассима ва мушаббихаларнинг иғволаридан саклаш учун лозим ўринларда лафзларни таъвил қилишга ҳам ўтишган. Лекин, бирорталари “Менинг таъвилим Аллоҳ таолонинг айни муродига тўлиқ мувофиқдир, бундан бошқаси хато”, деб даъво қилмаган. Улар Аллоҳ Ўзига нисбат берган лафзларни инсоннинг зеҳнига биринчи келадиган зоҳирий маъносига йўймаганлар. “Осмондаги зот” (ман фис-само)¹³,

¹² Оли Имрон сураси, 7-оят.

¹³ Мулк сураси, 14-оят.

“Сўнгра аршга истиво қилган”¹⁴, “Раббимиз дунё осмонига нузул қилади” каби ибораларни Аллоҳ Ўз зоти билан “осмонда, аршнинг устида жойлашган, макон тутган, дунё осмонига айнан ўзи тушади”, деб талқин қилмаганлар.

Ақида ва калом бўйича замонавий ашъарий олимлардан Саид Абдуллатиф Фуда сифатлар борасидаги баҳсларга жавоб бериб, алоҳида рисола (“Нақд ва таквим” – Танқид ва тўғрилаш) ёзган. Бу рисола Ибн Абдурахмон Хумаййиснинг “Мотуридиянинг ақидадаги услуби” номли китобига раддия сифатида ёзилган. Унинг сифатлар ва ундаги ихтилофларга оид хулосасига кўра, мотуридийлар ва ашъарийлар “чегараланиш”, “миқдор”, “ҳаракат”, “ўрнашиш”, “томон”, “таркиб топиш”, “бўлақлар”, “ҳаяжон” ва “бошқадан таъсирланиш” каби кейин пайдо бўлган нарсалар ва жисмларнинг сифатларини Аллоҳ таолога нисбат бериш мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Ихтилоф қилаётган (мужассима) лар эса, буларнинг барчасини Аллоҳ таолога мансуб қилиб, тасдиқлайдилар (Саид Фуда, 2021:48–49).

Ихтилоф Аллоҳ таолога нисбатан исбот этилган (тасдиқланган) асл сифатлар ҳақида эмас, Унинг “яд” ва “важҳ” сифатлари мавжудми ёки йўқми, деган гапда ҳам эмас. Ашъарийлардан аксарияти Аллоҳ таолонинг “важҳ”и бор, “яд”и қудрати эмас, дейишади. Аммо, ўртадаги ихтилоф ўша “яд” ва “важҳ” аъзо ва қисмлар туриданми ёки ундай эмасми, деган масалададир.

Барча мотуридийлар ва ашъарийлар аъзо ва қисмлар турига ўхшатишни инкор этган бўлсалар, мужассималар ва уларнинг бошқа ҳамфикрлари инкор этмадилар. Аммо, “истиво”га келсак, мужассималар унинг маъносини Арш, яъни яратилган нарсада муайян бир макон ичига “ўтириш”, “ўрнашиш” ва “қарор топиш”, деб даъво қиладилар.

Мотуридийлар ва ашъарийларда эса, Аллоҳ таолога нисбатан “истиво”ни исбот этишда муаммо йўқ, балки исбот этиш вожибдир. Аммо, бу мужассималар айтганидек, яратилган нарсага муайян бир маконда “ўтириш”га ўхшаш эмас. Модомики, иш шундай экан, ким тўғри ва соғлом фикрга якинрок, Аллоҳ таолони кейин пайдо бўлган нарсаларга ўхшатишдан поклаганларми ёки ўхшашини айтганларми?!

“Мотуридийлар ва ашъарийлар Аллоҳнинг фақат еттита-саккизта сифатларинигина тасдиқлайдилар”, дейиш нотўғри. Худонинг

¹⁴ Раъд сураси, 2-оят.

сифатлари чегарасини идрок этиб бўлмайди. Чунки унинг чек-чегараси йўқдир. Аллоҳ таоло баркамоллигининг охири йўқ. Аммо, китобларда келган мазкур ададлар, Аллоҳ таолонинг сифатларини чеклаш учун эмас, балки омма инсонлар имонлари соғлом бўлиб, исломлари тўғри давом этиши учун энг оз билишлари керак бўлган таълимотдир. Аксинча, Аллоҳ таоло барча исм ва сифатларини билишни инсон зиммасига юклагани йўқ. Чунки, бу ҳолат бандани тоқати етмаган нарсага буюриш бўлади.

Фақат нақл билан чекланиб, ақлий талқинларни инкор қилувчилар эса, мотуридияни “тафвиз қилиш” масаласида айблаб, гўё исбот (тасбит, тасдиқ)нинг акси ўлароқ талқин этиб, сифатлар ҳақида келган оят ва саҳиҳ ҳадисларни инкор этиш, мазкур сифатларнинг маъноси йўқ, деб ҳисоблашдир, дея даъво қиладилар (Муҳаммад ибн Абдурахмон Хумаййис, нашр йили кўрсатилмаган:5).

Аслида бундай эмас. Чунки, тафвизнинг луғавий маъноси “топшириш, ҳавола қилиш”-дир. Истилоҳий маъноси эса, оят ва саҳиҳ ҳадисларда келган, Аллоҳнинг сифатлари ва бошқа мавзулардаги, маъноси равшан бўлмаган (муташобеҳ) лафзларнинг маъносини йўқ, деб ҳисоблаш эмас. Балки улар ҳақиқат эканига иқрор (такрир, тасбит, исбот) қилган ҳолда асл маъносини эса, Аллоҳга ҳавола (тафвиз) қилишдир. Бунга жуда кўп мисоллар бор. Масалан, айрим суралар бошланишидаги алоҳида ҳарфлар (хуруф муқаттаа) нинг маъноси ва қандайлиги (кайфияти) муташобеҳ бўлиб, уларнинг тафсилотлари ҳақида очик нақлий далил келмагани сабабли тафвиз қилинади. Шундай бўлса-да, улар матн сиёқидан (қарина, контекст) келиб чиқиб, таъвил қилиниб, қатъий бўлмаган, эҳтимолий маънолар билан ҳам изоҳланган.

Имом Абу Мансур Мотуридий ўзининг “Таъвилот ал-Қуръон” тафсирида 112 ўринда Абу Ҳанифадан, жумладан, Бақара сурасининг 32-оятини тафсирида тафвиз ҳақида нақл келтирган. Оятнинг мазмунига кўра, Аллоҳ Одам (а.с.) га Исмларни (Аллоҳнинг исм ва сифатларини ёки ашёларнинг номларини) ўргатиб, улар ҳақида фаришталар билмаслиги маълум бўлса-да, улардан сўрайди. Улар эса “бизда илм йўқ”, деб жавоб берадилар. “Фаришталар билмаган ишлари ҳақида сўралганда, буни Аллоҳга тафвиз қилдилар”, дейди Имом Абу Ҳанифа (Абу Мансур Мотуридий, 2019:81).

Аслида тафвиз луғатда “қабул қилиш” ва “низони тарк қилиш” маъноларида ҳам келади. Бир ишнинг ҳукмини бирортага “ҳавола қилиш”, “топшириш” ҳам тушунилади. “Ишимни Аллоҳга тафвиз – ҳавола қиламан (топшираман)”¹⁵, деган қавл “Ҳар бир ишимда Аллоҳни вакил қиламан” маъносидадир. Фотиҳа сураси фазилати ҳақидаги ҳадисда (Муслим Найсобурий, йили кўрсатилмаган:296) “Бандам ишини Менга топширди”, дейилган. Ибн Манзурга кўра, “Тафвиз ишни бировга ўтказиш, уни ўша ишда ҳоким қилишдир” (Муҳаммад Макрам Али, 1993:210). Ҳадисдаги дуода “Раббим, ишимни Сенга топширдим”, яъни, “ишимни Ўзингга қайтардим” маъносидадир (Ҳоким Қушайрий Найсобурий, 1990:709).

Тафвиз истилоҳда эса, сифатлар ва қиёмат ҳақидаги матнларнинг маъносини (илмини, моҳиятини) ва кайфиятини (қандайлигини) ёки фақат кайфиятини билишни Аллоҳга қайтариш, ҳавола қилишдир. Демак, тафвиз бир масалани билмай тарк этиш эмас, балки унинг ҳақиқатини фақат Аллоҳ билишини исбот этган ҳолда ҳавола қилиш, вакил қилишдир.

Юқоридагилардан ҳам маълум бўладики, тафвиз аслида макталган сифатдир. Тафвизда банда ўзининг ожизлигини ҳамда Аллоҳ таолонинг илми ва қудратини эътироф этиш бордир. Фаришталар ҳам улардан сўралган нарсаларнинг номини билмасликларини эътироф этишлари, маъно ва кайфиятни инкор этиш эмас, балки улар тафвиз қилишган¹⁶.

Шунга кўра тафвизни икки қисмга таснифлаш мумкин: 1) Маъно ва кайфиятни тафвиз қилиш; 2) Маънони исбот қилиб, фақат кайфиятни тафвиз қилиш (Усмон Ҳасан, 1991:580). Аҳли суннага нисбат берилувчи тафвиз аҳли – сифатлар, жаннат, жаҳаннам, башорат ва огоҳлантириш кабиларга оид матнлар муташобеҳлиги боис “унинг маъносини фақат Аллоҳ билади”¹⁷ деб, оятнинг аввалида вақф (тўхташ) қиладилар (Фахриддин Розий, 1995:222).

Салаф ва халаф¹⁸ уламоларининг ўртасидаги фарқ ҳам айнан қаерда вақф қилиш билан боғлиқ. Аксар салафлар биринчи вақфни афзал кўриб, “У (муташобеҳ оятлар) нинг таъвилини фақат Аллоҳ билади”, деб тафвиз қиладилар, муташобеҳни

¹⁵ Гофир сураси, 44-оят. Фиръавн аҳолисидан бўлган иймонли кишининг тилидан айтилган.

¹⁶ “Бизда Сен билдиргандан бошқа илм йўқ” (Бақара, 32).

¹⁷ Оли Имрон сураси, 7-оят.

¹⁸ Ҳижрий III асрдан аввалги ва кейинги.

билишни чеклайдилар, имон келтириб, илмини билишни Аллоҳга ҳавола қиладилар. Аксар халафлар эса, оятнинг давоми билан қўшиб ўқиб, кейинги иккинчи вақфни афзал кўриб, "... Аллоҳ ва илмда собит бўлганлар (ҳам унинг таъвилини) билади", деб муносиб таъвилни жоиз ҳисоблайдилар (Иброҳим Муҳаммад Божурий, 2004:53).

Аллоҳнинг буюклигига лойиқ бўлмаган ўринда "бу ирода қилинмаган", деб қатъий айтилади. Аммо, лафз маъноси лойиқ бўлса, битта маънони тайин қилишда сукут қилинади (Бадриддин Шофейй, 1990:92–93).

У (сифатлар) нинг маъноси ҳақида гапириш эмас, балки ишониш вожиб. Аллоҳга ўхшаш бирор нарса йўқ, жисмий аъзога эга эмас (тажсим) ва бирор томонга кўчиб ўтиш (интиқол), кўшилиш, сингиш (тахайюз) каби махлуқотлар сифатларидан пок (муназзах) экани ҳақидаги жазмли ақидага кўра, лойиқ бўлган маънода эътиқод қилинади (Абу Закариё Нававий, 1972:3–19).

Аммо, таъвилнинг эса, луғавий маъноси "қайтариш" бўлиб, маънолари турлича бўлган каломни шарҳ қилишдир (Муҳаммад Макрам Али, 1993:33). Абу Убайд (Оли Имрон, 7) оятдаги "таъвил"ни "қайтар жой, асл негизи", деб тафсир қилган (Абу Мансур Муҳаммад Аҳмад Азҳарий Ҳиравий, 2001: 330).

"Таъвил – зоҳиран далолат қилиб турган маъно бўйича эҳтимолий далил билан қувватланган зонн (норавшанлик)дир", деб таъриф берган Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф. 1111 й.) (Абу Ҳомид Ғаззолий, 1993:196). "Лафзнинг зоҳирий эҳтимолини инкор этмаган ҳолда бошқа нарсага йўйишдир", деб таъриф берган Абулҳасан Омидий (Абулҳасан Али Аби Али Муҳаммад Омидий, 2007:53). "Эҳтимолий маънолардан бирини қатъий даъво қилмай таржих қилиш (саралаш)дир", деб таърифлаган Мотуридий (Имом Мотуридий, 2019:24).

Фахриддин Розий айтади: "Нақл қилинган далиллар саҳиҳ бўлмаслиги мумкин ёки саҳиҳ бўлса ҳам, зоҳирий маъноси эмас, балки бошқа маъноси ирода қилинган бўлади. Сўнгра таъбир жоиз бўлса, унинг тафсилотларини батафсил зикр қилиш учунгина (таъвил) қилинади. Акс ҳолда эса, таъвил жоиз, деб топилмаса, унинг асл илмини Аллоҳга тафвиз (ҳавола) қилинади. Қуръон ва ҳадислардаги баъзи зоҳирий маъноларни таъвил этишга ижмо қилинган. Бордию, агар зоҳири

олинса, битта "юз" ва унда кўп "кўзлар", битта "ёнбош" ва унда кўплаб "кўллар", битта "болдир" бор бўлган қандайдир бир шахсни исбот қилиш керак бўлиб қолади. Дунёда бундан-да қабихроқ сурат, хунук киёфа йўқ. Ақли бор инсон ўз раббисини бундай сифат билан васф қилишга рози бўлмайди. Булардан маълум бўладики, ҳар бир оқил кишининг таъвилга мурожаат қилиши зарурийдир. Бу борада мутақаллимлар айтадики, модомики Аллоҳ томон ва жисмликдан холи экани далил билан собит экан, Қуръон ва ҳадислардаги ушбу ворид бўлган лафзларни саҳиҳ эҳтимолли маънога йўйиш вожиб бўлади. Токи, таъна-маломатга сабаб бўлмасин" (Фахриддин Розий, 1995:98).

НАТИЖА

Демак, таъвил Аллоҳнинг ўзи таърифлаган сифатни инкор қилиш эмас, балки лафзнинг зоҳирида Унга нолойиқ бўлган, нуқсон саналувчи маъно тушунилиши эҳтимоли бўлганда, далил билан унинг мажозий маъносига йўйишдир.

Салафларнинг мутақобех оятларда тутган аксар йўллари тафвиз ва баъзан таъвил қилиш ҳам бўлган. Аҳли суннанинг имоми Мотуридий ҳам шунга ҳамоҳанг тарзда антропоморфизм (тажсим, ташбех) ҳатаридан четланиш мақсадида қуйидагича тафвиз қилишни тавсия қилади. "Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятларига имон келтириш лозим: "Ва лекин, Аллоҳ отди"¹⁹ ва "Бас, Биз ўз (даргоҳимиздаги) руҳимиздан унга пуфладик"²⁰ ва шунга ўхшаш (бошқа) ояти карималар. Лекин, Аллоҳ "отувчи" ва "пуфловчи", деб сифатланмайди. Чунки, у хилда номлаш (далилларда) келмаган. Соне ва Холик, деб аталади. Чунки, бу хилда номлаш (далилларда) келган. Бошқа исмлар ҳам шунга ўхшашдир".

Демак, оят ва ҳадисларда Аллоҳ таолонинг айнан исми ва сифати, деб айтилмаган, ижмои уммат қабул қилмаган нарсаларни Аллоҳ таолонинг сифати дейиш дуруст эмас. Жумладан, "отмоқ", "пуфламоқ", "макр қилмоқ", "унутмоқ", "ҳаракатланмоқ", "келмоқ", "кетмоқ", "нузул қилмоқ" (тушмоқ), "югурмоқ", "малолланмоқ", "азият чекмоқ", "оч қолмоқ" кабиларни Аллоҳ таолонинг сифати, деб айтиш асло мумкин эмас (Абу Мансур Мотуридий, 2016).

¹⁹ Анфол сураси, 17-оят.

²⁰ Таҳрим сураси, 12-оят.

Шу туфайли ҳам баъзи тоифалар Аллоҳ таолони ҳатто, “соқолсиз ёш йигит” ёки “оқсоч қария” сингари инсон киёфасида ёки “тўшт ва қондан таркиб топган ёки нур” каби тасвирлаганлар (Аҳмад Мардужий Санандажий, 2017:119). Ҳақиқатда эса, Аллоҳ таоло бу каби ташбеҳлардан холидир.

Бу борада уч хил қараш мавжуд:

Биринчиси, муташобеҳ оят ва ҳадисларнинг таъвили борлигини эътироф этиб, маъноси ва кайфиятининг асл ҳақиқатини Аллоҳ таолонинг илмига ҳавола (тафвиз) қилиш.

Иккинчиси уларни муносиб тарзда таъвил қилиш бўлиб, ҳар иккиси ҳақида саҳобалардан ривоят қилинган (Абдуллоҳ Заркаший, 1984:78–89).

Учинчиси эса, муташобеҳ оят ва ҳадисларни таъвил қилмасдан, уларнинг зоҳирини олиш бўлиб, буни тарихда ўтган жаҳмия ва мужассима каби тоифалар илгари сурган. Яна, уларнинг нақлсиз, фақат ақлий-мантикий фикрларича, ҳар бир мавжудлик борки, у жисм бўлади (Саъдуддин Тафтазоний, 1913:79).

Али Қушчи ушбу масалада иккинчи йўлни – муташобеҳ далилларни муносиб таъвил қилишни танлаб, адашган тоифаларга усул ва мантиқ қоидасига кўра, нақл ва ақл уйғунлиги асосида раддиялар берган.

Чунки, баъзи муташобеҳ оятларни салафи солиҳлар ҳам таъвил қилганлар. Маълумки, салаф ва халаф олимлар Аллоҳнинг сифатларини кайфият ва ташбеҳсиз тасдиқлаганлар. Масалан, Аллоҳга нисбат берилган айрим муташобеҳ оятларни қуйидагича таъвил қилганлари манбаларда келтирилган:

“Болдир”ни (“соқ” – Қалам, 42) “шиддат”, деган Абдуллоҳ ибн Аббос. Заҳҳок, Қатода, Саид ибн Жубайр каби бир гуруҳ саҳоба ва тобеинлар ҳам шундай шарҳлаган (Табарий, 2000:29-39). Пайғамбар Муҳаммад (а.с.): “Аллоҳ, уни (Абдуллоҳ ибн Аббосни) динда фақиҳ қилгин, унга таъвилни билдиргин”, деб дуо қилиб, унга “Қуръон таржимони” лақаби берилган.

Ибн Аббос “Қўл”ни (“яд” – Фатҳ сураси, 10-оят; Моида сураси, 64-оят; Зориёт сураси, 47-оят) “қувват, кудрат”, деган.

Унутишни Ибн Аббос (“нисён” – Жосия сураси, 34-оят; Ҳашр сураси, 19-оят; Тавба сураси, 67-оят; Сажда сураси, 14-оят) “тарк қилиш, азобда қолдириш”, деган.

Курсини (Бақара сураси, 255-оят) эса “илм”, деган.

Келишни Ибн Аббос (“итён, мажиъ” Фажр сураси, 22-оят) “амри, қазоси”, деган; қаҳри, султони. Байҳақий “Маноқиб Аҳмад”да Ибн Ҳанбал “Аллоҳ ва Бақара сурасининг савоби келиши” мазмунидаги ҳадис билан шарҳлаган, деган (Ибн Касир, 1990:327). Абу Яъло ва Аҳмад ибн Ҳанбал: “Аллоҳ булутда келади”ни “қудрати, амри келади” деб таъвил қилган (Абул Ҳасан Жавзий, 2006:141). Бошқа оятларда “Раббининг амри, бизнинг амримиз келганда” каби очик лафзда келган. Ҳасан Басрий “амри, қазоси”, деган. Ҳасан Басрий ва бошқа имомлардан “мўъжизаларнинг маҳобати”, деган. Бир макондан бошқасига ўтиш билан сифатланмайди, унга вақт ва замон бирор ожиз нарсасаги каби ўтмайди. Али Қаттон: “Уммат ижмосига кўра, “келиш” ҳаракат ва кўчиб ўтиш эмас, балки ҳисоби ва жазоси, ризоси ва ғзаби”, деган.

Ибн Аббос “Кўзлар”ни (“аъюн” – Ҳуд сураси, 37-оят; Муъминун сураси, 27-оят; Қамар сураси, 14-оят; Тур сураси, 48-оят;) “кўриш, қараш, муҳаббат ва ирода”, деган.

Нурни (Нур, 35) “ҳидоят қилувчи”, деган Ибн Аббос, “тадбирини қилувчи”, деган Мужоҳид (Табарий, 1999:135).

“Юз”ни Ибн Аббос (“важҳ” – Бақара сураси, 115-, 272-оятлар; Раҳмон сураси, 27-оят; Қасас сураси, 88-оят) “ўзи, вужуди, зоти”, деган (Қуртубий, 2002:163). Шофеийдан Музаний ривоят қилганки: “Аллоҳнинг юзи – унга юзланишингиз”, Мужоҳид, Заҳҳок, Абу Убайда: “Аллоҳнинг қибласи” деган; Заҳҳок: “ўзи”, деган. Имом Бухорий: “мулки, розилигини истаб қилинган амаллар”, деган.

Ёнбошни Ибн Аббос (“жанб” – Зумар сураси, 56-оят) “тоат, амр, савоб”, деган.

Молик ибн Анас тушишни (“нузул” – ҳадисда) “амри тушади”, деган.

Истивони (Тоҳо сураси, 5-оят) “амрини қасд қилиш”, деган Суфён Саврий. Табарий: “Истиво ила” да луғавий маъноларни келтиргандан сўнг олий бўлиш, кудрати билан тадбирини қилиш; “кўтарилиш” – подшоҳ ва султоннинг олий бўлиши кабилар, асло интиқол (бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриш) ва завол (бир жойда йўқ бўлиб, бошқа жойда бор бўлиш) каби эмас”, деган.

“Кулиш”ни (“зиҳк” ҳадисда) “рахм-шафқат”, деган Имом Бухорий. Абу Ҳурайра ривоятида “Жаннатга кирган икки кишига (“ила” кўмакчи билан) Аллоҳнинг кулиши...”. Абу Сулаймон

Хаттобий “ризоз”, деган. Ибн Ҳажар “ила.. - ..га” кўмакчиси сабабли уни “қўллаб-қувватлаб, ризосига муваффақ қилиш”, деб таъкидлаган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, турли тоифалар томонидан кўтарилган ихтилофли ақидавий масалалар аслида жузъий ва ижтиҳодийдир. Ҳар қайси олимлар гуруҳи модомики, илмий асосли далиллар орқали ижтиҳод қилар экан, ҳадисда таъкидланганидек, ҳар қандай ҳолатда ҳам таҳсинга сазовор, деб ҳисобланади. Ижтиҳоди тўғри бўлса иккита, мабодо унда хатолик бўлса битта ажрга эга бўлади. Шарт шуки, тафвиз ёки таъвил қилишга ақидавий матнлардан ҳар икки томоннинг ҳам илмий асосли далили бўлиши зарур.

Уларни тушуниш ва талқин этишда нақлий ёки ақлий усулга кўра, тарихда мусулмонлар ўртасида бўлиниш ва ихтилофлар келиб чиққан. Ҳозирда ҳам турли оқимларнинг хуружи айни шу мавзуларга боғлиқ. Гоҳида, бу соф эътиқодий мавзуларни сиёсийлаштириб, тинч мусулмон аҳоли ўртасида ва давлатлар ўртасида сиёсий муаммолар келиб чиқмоқда. Улардан Аллоҳнинг сифатлари мавзуси энг кўп ихтилофларга сабаб бўлган масалалардан бири бўлган ва бўлмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Мансур Мотуридий. (2005). Таъвилот ал-Қуръон. Бакр Тўпалўғли. Истанбул: Дор ал-мизон.
2. Алоуддин Бухорий. (2013). Мулжима ал-муҷассима. Саид Абдуллатиф Фуда. Байрут: Дор аз-захоин.
3. Ибн Абдулқодир Саққоф. (2010). Сифот-Аллоҳ ал-ворида фи ал-китоб ва ас-сунна. Мактаба аш-шомила. Ж.1.
4. Аҳмад ал-Қуртубий. Ал-Жоме‘ ли-аҳкоми-л-Қур’он / Муҳаммад Иброҳим ал-Ханновий ва Маҳмуд Ҳомид. (2002). Усмон таҳқиқи. Қоҳира: Дор ал-ҳадим. Ж. 8.
5. Усмон Ҳасан. (1991). Манҳаж ал-истидлол ало масоил ал-эътиқод иънда аҳли суна вал-жамоа. Мактаба ар-рушд.
6. Абу Ҳомид Ғаззолий. (1993). Ал-Мустасфо. Дор ал-кутуб ал-илмия. Байрут.
7. Фахриддин Розий. (1995) Асос ат-тақдис фи илм ал-калом. Муассаса ал-кутуб ас-сақофия. Байрут.
8. Бадриддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заркаший. (1984). Ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон. Қоҳира: Дор ат-турос.
9. Саъиддин Тафтазоний. (1913). Матн Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом. Қоҳира: Матбаа ас-саъада.

10. Абу Жа‘фар Муҳаммад ат-Табарий. (1999). Тафсир ат-Табарий. Ж. 12. Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмия.
11. Абдурроҳман Абул Ҳасан Жавзий. (2006). Дафъу шибх ат-ташбих. Қоҳира: Мактаба ал-Азҳарийя лит турос.
12. Ибн Касир. (1990). Бидоя ва ниҳоя. Ж. 10. Байрут: Дарул маориф.
13. Имом Бағавий. (2018). Маолим ат-танзил. Ар-Риёд: Дор ат-Тоййиба.
14. Аҳмад ибн Ҳусайн Байҳақий. (2013). ал-Асмо вас сифот. Ар-Риёд: Мактаб ас-саводий лит тавзий.
15. Олусий ал-Бағдодий. (йили кўрсатилмаган). Рухул маоний. Байрут: Дор ихя ат-турос ал-аробий.
16. Мулла Али Қорий. (2001). Микот ал-мафотих. Ж. 11. Қоҳира: Дорул кутуб ал-Илмийя.
17. Ҳофиз ибн Ҳажар ал-Асқалоний. (2015). Фатҳ ал-борий фий шарҳ саҳих ал-Бухорий. Қоҳира: Дорул кутуб ал-илмийя.

REFERENCES

1. Abu Mansur Maturidi. (2005). Ta'wilat al-Qur'an. Bakr Topaloglu. Istanbul: Dar al-mizan.
2. Alauddin Bukhari. (2013). Muljima al-mujassima. Said Abdullatif Fuda. Beirut: Dar az-zakhain.
3. Ibn Abdulqadir Saqqaf. (2010). Sifat-Allah al-warida fi al-kitab was-sunna. Maktaba ash-shamila. Vol.1.
4. Ahmad al-Qurtubi. Al-Jami' li-ahkami-l-Qur'an / Muhammad Ibrohim al-Xannoviy va Mahmud Homid. (2002). Cairo: Dar al-hadim. Vol. 8.
5. Uthman Hasan. (1991). Manhaj al-istidlal ala masail al-i'tiqad 'inda ahlis-suna wal-jamaa. Maktaba ar-rushd.
6. Abu Hamid Ghazzali. (1993). Al-Mustasfa. Dar al-kutub al-ilmiya. Beirut.
7. Fakhruddin Razi. (1995) Asas at-taqdis fi ilm al-kalam. Muassasa al-kutub as-saqafiya. Beirut.
8. Badridin Muhammad ibn Abdulloh Zarkashi. (1984). Al-Burhan fi ulum al-Qur'an. Cairo: Dar at-turath.
9. Sa'diddin Taftazoniy. (1913). Matn Tahzib al-mantiq wal-kalam. Cairo: Matbaa as-sa'ada.
10. Abu Ja'far Muhammad at-Tabari. (1999). Tafsir at-Tabari. Vol. 12. Beirut: Dar al-kutub al-'ilmiyya.
11. Abdurrahman Abul Hasan Jawzi. (2006). Daf'u shibh at-tashbih. Cairo: Maktaba al-Azhariyya lit-turath.
12. Ibn Kathir. (1990). al-Bidaya wan-nihaya. Vol. 10. Beirut: Darul maarif.
13. Imom Baghavi. (2018). Maalim at-tanzil. ar-Riyad: Dar at-Tayyiba.
14. Ahmad ibn Husayn Bayhaqi. (2013). al-Asma was sifat. ar-Riyad: Maktab as-sawadi lit tavwi'.
15. Alusi al-Baghdadi. (the year of publication is not indicated). Ruhul maani. Beirut: Dar ihya at-turath al-arabi.
16. Mulla Ali Qari. (2001). Miqat al-mafatih. Vol. 11. Cairo: Darul kutub al-Ilmiyya.
17. Hafiz ibn Hajar al-Asqalani. (2015). Fath al-bari fi sharh Sahih al-Bukhari. Cairo: Darul kutub al-ilmiyya.